
“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз”

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Ватанимиз мустақиллигининг 31 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар кўтаринки руҳда бўлиб ўтмоқда.

Байрам муносабати билан меҳнат фаҳрийлари, кекса нуронийлар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиниб байрам табриклари ва совғалари топширилмоқда.

Қува туманидаги сектор раҳбарлари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қува тумани бўлими томонидан ана шундай хайрли ишга қўл урилди.

“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” ғояси асосида тумандаги кекса ёшдаги онахон ва отахонлар ҳолидан хабар олиниб уларга байрам табриги, эсдалик совғалари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари топширилди.

2022-08-30 21:45:37